БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 264 (3765)
21 СЕШАНБА
НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ПРАВДА» МУХБИРИ САВОЛИГА ЖАВОБИ

**Савол:** Эронда бўлаётган воқеаларга Ғарб давлатларининг, айниқса АҚШнинг аралашуви тўғрисида ва ҳатто улар томонидан ҳарбий аралашув эҳтимоли борлиги ҳақида чет эл матбуотида пайдо бўлган хабарлар хусусида сиз нима дейсиз?

**Жавоб:** Дарҳақиқат, шундай хабарлар, жумладан, баъзи бир давлатлар томонидан ҳарбий аралашув эҳтимоли борлиги тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлмоқда. Тилга олинаётган давлатларнинг расмий кишилари, аслида бундай хабарларни рад қилмаётганликлари эътибордан четда қололмайди. Гарчи улар Эроннинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишларни рад этаётган бўлсалар ҳам, чунончи яқинда АҚШ президенти шундай қилди, аммо шу заҳотиёқ тегишли баҳона билан бундай аралашув эҳтимолини мутлақо истисно этмайдиган писандалар қилмоқдалар.

Эрон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларида бўлиб келаётган Совет Иттифоқи Эроннинг ички ишларига ташқаридан ким томондан бўлмасин, қандай баҳона билан бўлмасин ҳар қандай шаклдаги аралашувга қарши эканлигини қатъий қилиб айтади. Бу мамлакатда нуқул ички тарздаги воқеалар содир бўлмоқда, шу сабабли бу воқеалар билан боғлиқ бўлган масалаларни эронликларнинг ўзлари ҳал этишлари лозим. Бу ўринда ҳамма давлатлар БМТ Уставига ҳамда бошқа бир қанча энг муҳим халқаро ҳужжатларга асос қилиб олинган принципларга риоя этишлари лозим, Эроннинг, Эрон халқининг суверенитети ва мустақиллигини ҳурмат қилишлари керак.

Шу нарса ҳам равшан бўлмоғи лозимки, Совет Иттифоқи билан бевосита чегарадош давлат бўлган Эроннинг ишларига ҳар қандай аралашувни ва айниқса ҳарбий аралашувни СССР ўз хавфсизлиги манфаатларига дахлдор деб билган бўлур эди.

(«Правда» 19 ноябрь.)

## ШОИР ХОТИРАСИ

20 ноябрь куни Тошкентда таниқли шоир, драматург, публицист ва олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Шайхзода туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия кечани очди. Республика ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Рамз Бобожон Мақсуд Шайхзода тўғрисида доклад қилди.

Кечада сўзга чиққан филология фанлари доктори З. С. Кедрина (Москва,) Озарбайжон шоири ва таржимон, филология фанлари кандидати Халил Ризо, қозоқ шоири Туманбой Мулдағалиев, туркман драматурги Гусейн Мухторов, тожик ёзувчиси, филология фанлари доктори Расул Ҳодизода, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг студенти Муборак Мирзаева Шайхзода асарлари совет адабиётида ёрқин саҳифа эканлиги, кўпгина ёш шоирлар ва прозаиклар учун ўзига хос дарслик бўлиб қолганлиги тўғрисида гапирдилар. Интернационалист шоир Шайхзода рус ва жаҳон классик адабиёти асарларини ўзбек тилига ағдарадиган таржимон сифатида ҳам, кўпгина илмий, танқидий ва публицистик мақолалар, монографияларнинг муаллифи сифатида ҳам кенг машҳур эди. Унинг ҳаёти ва ижодиёти, деб таъкидланди кечада, халққа садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Тантанали кечада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

## МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ ТОШКЕНТДА

Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси подполковник Менгисту Хайле Мариам СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан дўстона расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. У 20 ноябрь куни Москвадан Тошкентга келди.

Тошкент аэропорти Социалистик Эфиопия, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан, анҳар, рус ва ўзбек тилларидаги табрик транспарантлари билан безатилган. Самолёт пиллапояси ёнида меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Олий Совет депутатлари, республика министрлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Аэропортда меҳмонни Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг намояндалари табриклаб турдилар, болалар унга гуллар тақдим этишди.

(ЎзТАГ).

### ● Собир Раҳимов райони рапорт беради:

## БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ ТАЙЁР

**Собир Раҳимов райони саноат корхоналарининг коллективлари яна катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Шу йилнинг 15 ноябрида буюмларнинг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш бўйича беш йилликнинг уч йили плани адо этилди. Шуниси қувончлики, янги техникани жорий этиш, самарадорликни ошириш туфайли шу давр мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 27,5 процентга ўсди.**

**Районнинг барча саноат корхоналари беш йиллик бошидан буён самарали ишлаб келяпти. Ҳозирда бирорта қолоқ корхона йўқ.**

**Райондаги 20 та корхона беш йилликнинг уч йили планини муддатидан илгари адо этди. «Тошкент» мебель бирлашмаси, дурадгорлик буюмлари заводи, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси, кенг истеъмол буюмлари, кўн-галантерея буюмлари фабрикалари, Ўзбекистон ССР кўрлар жамиятининг босмахона ва нашриёти шулар жумласидандир.**

**Беш йиллик бошидан буён район корхоналарида 818 та юксак унумли асбоб-ускуна, 2 мингта станок, 18 та механизациялаштирилган поток линия ишга туширилди.**

**350 нафардан зиёд меҳнат пешқадами «Унлар ташаббуси»ни қўллаб-қувватлаб, 1976—1980 йилларда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун интилаяпти.**

**Район корхоналари коллективлари декабрь ойининг охиригача беш йиллик тўртинчи йили ҳисобига қўшимча 26 миллион сўмлик халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.**

## СУВ ТЕЖАЛМОҚДА

Пахтачилик бўйича Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг суғориш техникаси лабораториясида пахта далаларини механик усулда суғориш мақсадида катта ишлар олиб бориляпти. Бу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши суғориш сувларидан унумли фойдаланиш, пахтадан кўзланган ҳосилни етиштириш имконини беради.

Жумладан, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ф. М. Саттаров бошчилигида лаборатория коллективи пахта далаларининг юзаки қисмини суғоришга мўлжалланган ўзи сув сочувчи автоматлаштирилган мосламани ишлаб чиқди. Янги мосламанинг афзаллиги шундаки, ундан фойдаланганда ариқ очишга ҳожат қолмайди. Шунингдек, суғориш иши билан шуғулланувчи кишилар миқдорини қисқартирди.

Механик усулда суғоришда фойдаланадиган сувнинг атиги 50 проценти сарф бўлади, холос. Пахтанинг ҳосилдорлиги эса ошади.

### ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА

## УЗОҚ АДРЕСЛАРГА

Пойтахтимиздаги 10-автомобиль ремонти заводида тайёрланаётган «2П5» ағдарма прицеплари фақат республикамиздагина эмас, унинг ташқарисида ҳам яхши таниш. Шу йилнинг ўзида корхона маҳсулотлари Грузия, Литва, Арманистон, Молдавия ва Қозоғистоннинг дала меҳнатчиларига етказиб берилди.

Корхона коллективи шу йил ўн ой мобайнида 650 тага яқин прицеп ишлаб чиқарди. Бу планда белгиланганидан деярли саккиз процент кўпдир. Меҳнатда пешқадамлик қилаётган токарь А. Шубин, слесарь — штамповкачи Р. Сулаймонов, бўёқчи И. Нейфельд ва бошқалар тайёрлаган маҳсулот аъло сифати билан ажралиб туради.

## ГРАФИКНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ

**Жуковский кўчасида 45 хонадонга мўлжалланган беш қаватли турар жой биноси графикдан ўзган ҳолда бунёд этиляпти. Объектда 159-қурилиш тресты 9-қурилиш бошқармасининг Владимир Петров бошлиқ комплекс бригадаси иш олиб бормоқда.**

**БУГУН**

**БИНОНИНГ БИРИНЧИ ОТСЕКИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ.**

**Объектнинг 2-отсекида эса тўртинчи қаватга ғишт териш ишлари жадал суръатларда амалга оширилаяпти.**

**Бригада турар жой қурилишини йил охиригача тугаллашга аҳд қилган.**

**Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўн ойлик планни муваффақиятли адо этиб, пландан ташқари жами 700 минг сўмликдан зиёд 38 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарди. Ана шу пойафзалларнинг ўн проценти фахрли Сифат белгиси билан тайёрланди.**

**СУРАТДА:** бирлашманинг химия лабораториясида. Олдинги планда лаборант Т. Н. Середина.

**ЎзТАГ** фотохроникаси.

## ФРУНЗЕ РАЙОНИ

*Обод ва кўркам бўлмоқда*

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

**● РАЙОННИНГ АҲОЛИСИ —130 МИНГ НАФАР КИШИ.**

**● РАЙОН ТЕРРИТОРИЯСИ —1300 ГЕКТАР.**

**● БУ ЕРДА ИККИТА МАДАНИЯТ САРОЙИ, ИККИТА МАДАНИЯТ УЙИ, 16 ТА КУТУБХОНА, ИККИТА МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ ПАРКИ, ИККИТА МУЗЕЙ ЖОЙЛАШГАН.**

## Давр билан ҳамнафас

**Фрунзе райони шаҳримизнинг энг йирик районларидан биридир. Бу ерда йирик саноат корхоналари кўп. Тўқимачилик, абразив буюмлари комбинатлари, 1-пойафзал фабрикаси, «Таштекстильмаш», 1-ёғочни қайта ишлаш, 1-темир-бетон буюмлари заводлари, кўплаб бинокорлик индустрияси корхоналари шулар жумласидан. Районда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур. Ишлаб чиқарилаётган товарлар 32 чет мамлакатга экспорт қилинади.**

**Биз халқ депутатлари Фрунзе район. ижроия комитети раиси Булутбек Иброҳимович Бекмирзаевдан районнинг бугунги куни ва келажаги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.**

— Районимиз шаҳардаги энг кекса районларнинг бири. Бу ерга жойлашган тўқимачилик комбинати Ўрта Осиёда социалистик саноатнинг дастлабки корхонаси ҳисобланади. Шу кунларда корхона цехларида реконструкция ишлари бажарилмоқда. Қурилиш ишлари тугаллангач, комбинатнинг қуввати ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми бирмунча ўсади.

Райондаги «Таштекстильмаш» заводи, тўқимачилик комбинати, «Илгор» ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналар Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Саноат маҳсулотларини реализация қилиш ўн ойлик топшириғи 1,7 процент ошириб бажарилди. Планга қўшимча 4 миллион 407 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Районда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлиги 5,4 процентга ўсди.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ҳам тез суръатларда ривожланмоқда. Ўтмишда район территориясида етти мактаб, болалар боғчаси ва 2 та ясли бор эди. Ҳозир 16 та мактаб, 53 та болалар боғчаси ва яслилар кичкинтойларга хизмат кўрсатаётир. Районда учта олий ўқув юрти, саккизта иттифоқ ва республика аҳамиятига молик илмий-текшириш ва лойиҳа институтлари мавжуд. Тўртта касалхона, бешта поликлиника ва медицина-санитария қисмларида 1,5 минг медицина ходимлари меҳнат қилаётир.

Ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Пойафзалчилар Маданият саройида очилган ҳарбий-ватанпарварлик билимлари халқ университети бу йил ўзининг 40 йиллигини нишонлади.

Район архитектура жиҳатидан ҳам жуда ўзгариб кетди.

Фрунзе райони меҳнаткашлари пахтачиликни юксалтириш бўйича ўз оталиқларидаги Жиззах области деҳқонларига доимий мадад кўрсатиб келмоқдалар.

Районда тўқимачилик ва енгил саноат институти ва педагогика институтининг янги бинолари сингари кўркам иншоотлар жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда. Тез орада Б. Хмельницкий кўчасида қад кўтарган микрорайон районнинг фахри бўлиб қолади. Микрорайон территориясида биринчи қаватига районнинг энг йирик дорихонаси жойлашадиган 12 қаватли турар жой биноси қад ростлайди. 1990 йилга келиб район аҳолисининг 70—80 проценти барча қулайликларга эга бўлган алоҳида квартиралар билан таъминланади.

Районнинг энг катта бойлиги унинг кишиларидир. Бу ерда беш нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, тўрт нафар Ленин ва СССР Давлат мукофоти лауреатлари, уч нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, етти нафар хизмат кўрсатган ўқитувчи истиқомат қилади. Районимиз тўқимачилик комбинатининг пешқадамлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Л. Казанцева, Б. Жўраева сингари машъаллар билан ҳақли равишда фахрланади.

Давр билан ҳамнафас Фрунзе райони меҳнаткашлари беш йилликнинг улуғвор режаларини ҳаётга татбиқ этиш ниятида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

**Н. ЧЕРКАСОВА.**

## Юксак сифат билан

Пахтачилик саноати марказий илмий-тадқиқот институти тажриба ишлаб чиқариш механика устахоналарининг мутахассислари машиналарнинг тажриба намуналарини ва синов стендларини юксак сифат билан тайёрламоқда. Жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг буюртмаси билан тайёрланган кўп валли джин синовдан ўтказиладиган стенд, линт тозаловчи стенди, пахта тозалаш машиналарининг тажриба моделлари, пахта тозалаш саноати корхоналари учун тайёрланган стационар мосламалар мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлмоқда.

Устахоналарнинг коллективи ўн бир ойлик планни ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича уч йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этди.

**СУРАТДА:** тўқимачилар Маданият саройи.

**В. Синягин фотоси.**

## ПОЙАФЗАЛЧИЛАР АҲДИ

Ф. Хўжаев номли пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларини ҳамшаҳарларимиз севиб харид қилишади. Ҳар йили Фрунзе районидаги ана шу йирик корхона конвейеридан бир неча миллион жуфт эркаклар, ўсмирлар ва болалар пойафзаллари тушириб олинади. Ана шу маҳсулотларнинг учдан бир қисмини «Н»— янгилик индекси, ҳар бешинчи жуфт пойафзални давлат Сифат белгиси безаб турибди.

Бирлашма коллективи ўн ой ичида пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Пойафзалчилар йил охиригача ана шу рақамни 120 минг сўмга етказишга аҳд қилишган.

Ҳозир корхонада қиш мавсуми учун эркаклар ва болалар пойафзалларининг бир неча янги намуналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Бу пойафзаллар ташқи кўриниши, кўркамлиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради.

## МЕТАЛЛНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

«Вторчермет» корхонасининг Луначарское шоссесидаги цехида ҳар куни қизиқ манзарани кўриш мумкин. Бу ерда эрта тонгда металлом ортган тракторлар, зиллар ва бошқа ҳар хил юк машиналари турна қатор бўлиб кетади. Бу корхона шаҳримизда йирик бўлмаса ҳам унинг тайёрлаётган маҳсулоти халқ хўжалиги учун ғоятда зарурдир. Бу ерда ҳаётга иккинчи марта йўл олаётган металлар республикамизнинг турли бурчакларига ва қардош республикаларга ҳам етиб бормоқда. Қозоғистон, Урал, Бекобод металлурглари Тошкент корхонасининг маҳсулотини сабрсизлик билан кутади.

— Бизнинг цехимиз,— дейди Сергелидаги областлараро «Вторчермет» бошқармасининг бошлиғи Николай Михайлович Ликин, металломларни қайта ишлаш билан шуғулланади. Ҳар куни металлурглар ва машинасозлар адресига 200—250 тонна маҳсулот жўнатяпмиз.

Йил бошидан буён тайёрланган маҳсулот 50 минг тоннадан ошди. Декабрь ойининг охирига бориб бу рақамнинг 61 минг тонна бўлиши мўлжалланяпти. Ана шунча металломдан 20 мингта юк автомобили тайёрлаш мумкинлигини назарга оладиган бўлсак, бажараётган ишимизнинг аҳамияти ўз-ўзидан кўринади.

Корхонада йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун ҳаракат қилаётган газ қирқувчилар орасида Л. Симкин, А. Муҳамедов бошлиқ бригадалар келгуси йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

## ЮК ТАШИШНИНГ ОҚИЛОНА УСУЛИ

Республикамизда халқ хўжалик юкларини манзилларга тезроқ етказиб беришда йўл-йўлакай юк ташиш усули кенг тус олмоқда. Масалан, корхонадан қурилиш объектига борган юк машинаси материалларни тушириб бўлгандан кейин орқасига бўш қайтмай бошқа ташкилотнинг зарур юкларини йўл-йўлакай яқин манзилга етказиб беради.

Йил бошидан буён ана шундай усул билан 1,5 миллион тонна халқ хўжалик юклари автомобиль транспортида ташиб берилди. Бу усулни жорий этиш натижасида қайтишда машиналарнинг 12 миллион километр масофани бўш ҳолда босиб ўтиши тежаб қолинди.

Айниқса тез бузилиб қолувчи олма, пиёз, карам, сабзи сингари нозу-неъматларни тезроқ ташиш масаласи яхши йўлга қўйилди.

«Узмежавтотранс»нинг юк ташиш бошқармаси ва Тошкент юк ташиш автостанциясининг контроль-диспетчерлик пункти ходимлари кўплаб колхозларнинг оғирини енгил қилдилар. Кузги ҳосилни йиғиштириб олишда бир неча ўн минг тонна юкни тезроқ ташишда 300 та машина қатнашди.

### ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

**★ 20 ноябрь куни Катта Кремль саройида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.**

**Шартномани Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев; Социалистик Эфиопия номидан — Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси, революцион армия қўмондони Менгисту Хайле Мариам имзоладилар.**

★ Газеталарда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома эълон қилинган.

**★ КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш ва Социалистик Эфиопия Министрлар Советининг Раиси Менгисту Хайле Мариам билан учрашди.**

## телетайп лентасидан

✦ **БУДАПЕШТ. «ВЛКСМ номли бригада» забойга тушганида смена нормаси 1,5—2 баравар ошириб бажарилади, деб ишонч билан айтишади Ороcлань кўмир ҳавзасининг 22-шахтасидагилар. Ўртача ҳисобда ёши 30 дан сал ошган 44 ёш шахтёр Венгриядаги кончилар бригадалари ўртасида юқори кўрсаткичларга эришмоқда.**

**Ҳозир «ВЛКСМ номли бригада» ёшлари Венгрия Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи шарафига бошлаган меҳнат вахтасини муваффақиятли якунламоқда. Бу юбилейни бутун мамлакат 24 ноябрь куни тантанали нишонлайди. Ёш шахтёрлар ана шу кунгача 300 минг тонна кўмир қазиш мажбуриятини олдилар.**

✦ БУХАРЕСТ. Руминияда биринчи почта маркаси чиқарилганига 120 йил тўлди. Шу сабабли ҳамда Руминия Социалистик Республикаси филателиячилар жамияти ташкил этилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Бухарестда миллий симпозиум бўлиб ўтди. Барча республикалардан симпозиумда қатнашиш учун келган филателиячилар ўз нутқларида почта маркаси халқ хокимияти йилларида руминий халқининг республикада ривожланган социалистик жамият қуриш ишидаги муваффақиятларини намойиш этувчи самарали восита бўлиб қолганлигини таъкидладилар.

✦ **ВЕНА. Австриянинг буюк композитори Франц Шуберт вафот этганлигининг 150 йиллигига бағишланган юбилей почта маркаси муомалага чиқарилди. Марканинг баҳоси 6 шиллинг. Маркада композиторнинг портрети тасвирланган.**

✦ ТОКИО. Япония почта ва телеграф министрлиги шу йилнинг ноябрь ойида нишонланадиган Токио обсерваторияси ташкил этилганлигининг бир йиллиги муносабати билан 50 иенлик юбилей маркасини чиқарди. Эни 25, бўйи 35,5 миллиметрли марка олти рангда ишланган бўлиб, унда осмон юлдузлари кўринишида Токио обсерваториясининг телескоп антеннаси тасвирланган.

✦ **МАПУТУ. Ўн минглаб африкалик болалар Жанубий Африка Республикасида энг оғир ишларни бажармоқда, деб хабар қилади Иоганнесбургда чиқадиган «Старт» газетаси. Газета «Фрут Хоулсейлс» компаниясининг 14 ёшли юк ташувчиси Жон Блок ҳақида ҳикоя қилиб, унинг иш куни ўн бир соат давом этади, деб ёзади. Унинг оғир меҳнатига тўланган ҳақ очликдан ўлмай қолишгагина етади, холос. Блокнинг тенгдоши Пели-Занг суткасига 14 соатлаб газета тарқатади. 11 ёшли Мламбонинг иш соати Пели-Зангникига қараганда сал камроқ. Бу болаларнинг ҳаммаси ўқишни орзу қилади. Бироқ, Жанубий Африка Республикасидаги мактабларда фақат бойларнинг, асосан оқ танлиларнинг болалари ўқийди.**

**(ТАСС).**

• *Бинокорлик касбини ардоқлаётганлар*

# ШОГИРД ТАЪЗИМИ

—. Унинг одати ўзи шунақа. Бригаданинг бирор аъзоси топширилган ишни кўнгилдагидей бажармадими, тамом, унда ҳаловат йўқолади. То ўша иш маромига етказиб бажарилмагунча кўнгли тинчимайди. Уни гоҳ трест бошқарувчи билан бирор масалани мунозара қилаётган пайтда, гоҳида эса янги шогирдлар даврасида, гоҳ слесарь билан механизмларни ремонт қилаётган пайтида учратишингиз мумкин.

«Ташинжстрой» тресги бошқарувчисининг ўринбосари Зоҳид Сайдалиев Нурфаёз Ғаниев ҳақида ана шундай деди.

Нурфаёзнинг бригадасида бўлиб, унинг катта ҳаётга йўлланма олган кунлари, илк қувончлари ҳақидаги ҳикоясини тингладик.

...1965 йилнинг ёзи эди. Нурфаёз уч-тўрт та ўртоқлари билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, қурувчи бўлиб ишлаш истагида 10-қурилиш бошқармаси бошлиғининг олдига киришди.

— Майли ишга оламиз-у, лекин... ҳа майли, сизларга ишонаман, — деди.

Бошлиқ нега бундай деди экан-а, деб ўйланиб юрди Нурфаёз. Кейин билса уч-тўрт йигит ишнинг оғирлигига чидамай бир ой ўтар-ўтмас ишдан жўнаб қолишган экан. Нурфаёзни ирригация ва коллектор ишларини бажарувчи бригадага бириктиб қўйишди. Бригада коллективи битиш арафасида турган биноларни сув билан таъминлайди. Ўша пайтларда жуда кўп ишлар қўлда бажариларди. Нурфаёз ҳам водопровод ва канализация қувурларини қайириб, керакли размерда параллел ўрната олишга интилар, устози Ғофир аканинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб, ўзи ҳам топшириқни бехато бажаришга тиришарди. Дастлабки пайтларда оғир бўлди. Кун бўйи қувур ишлари билан машғул бўлган қўллари қавариб, туни билан оғриб чиқарди. Оғир дамларда тажрибали устози:

— Сабр қил, ука, ҳеч ким дарров уста бўлиб қолмайди, — дерди.

Устозининг меҳр ёғилиб турган кўзларига тикилиб Нурфаёзнинг кўнгли тоғдай кўтариларди, лекин бари-бир ишидан кўнгли тўлмай юрди. У ҳам баъзиларга ўхшаб бор-е, деб кетворгиси келди. Лекин у одамлардан уялди.

Ишга бирга келган ўртоқларидан иккитаси кетиб ҳам қолди. Ўртоғи Жўра Умаров ҳам аввалида у каби ишга кўникмай юрди. Бир-бирига далда беришди. Юклатилган вазифаларни ортиғи билан бажаришиб, аста-секин коллектив ўртасида ҳурмат қозонишди...

1968 йилнинг қишида, қурилиш бошқармаси ишчиларининг умумий йиғилишида Нурфаёз комсомол-ёшлар бригадаси тузиш ташаббуси билан чиққан эди. 14 илғор йигит ва қиздан иборат бригада тузилиб, унга комсомол Нурфаёз Ғаниев бошлиқ қилиб тайинланди. У аста-секин бу серташвиш ишга ҳам кўникиб кетди, қийналган пайтлари кўп бўлди. Лекин бундай пайтларда коллектив қараб турмади. Кўпни кўрган, суяги бинокорликда қотган тажрибали ишчиларнинг маслаҳатларига таяниб иш юритди.

— Яқинда қизиқ бир воқеа рўй берди, — дейди Нурфаёз. — Бригадага янги йигитлар қабул қилган эдик. Бир куни катта мастер олдимга келиб «янги»лардан икки йигит ишлашни хоҳламаяпти, ишимиз ёқмаяпти экан» деб қолди. У йигитлар биз иш олиб бораётган бешинчи қаватнинг фойесида мунғайибгина туришарди. Аста уларга яқинлашдим.

— Ҳа, йигитлар, ишлар қалай? — деб сўрадим.

— Бизлар ишни кўнгилдагидай эплай олмаяпмиз, — деди улардан бири тортинибгина. — Ишдан кетмоқчимиз.

Йигитлар билан чекароққа чиқиб ўтиргач, мен уларга бригадамизнинг тарихини, унда меҳнат қилган ва қилаётган илғорлар, энг сўнгида эса ўзимни ҳам дастлабки пайтларда ишга кўниколмай қийналганлигимни сўзлаб бердим. Кўп ишлар ҳозир механизациялашганини сўзлаб, ҳадемай дастгоҳларни бемалол бошқара оласизлар, деб кўнгилларини кўтардим. Ҳозир ана шу Зоҳид Худойберганов, Александр Карясовлар бригадамизнинг зарбдор ишчиларидан.

Яқинда инженерлик магистрал коммуникацияларини қурувчи ихтисослаштирилган «Ташинжстрой» трестининг илғор бригада бошлиқлари Жўра Умаров ва Баҳодир Валиевлар янги ташаббус билан чиқишди. Улар бир беш йилликда — икки беш йиллик план топшириқларини бажариш мусобақасини бошлаб беришди. Бугунги кунда «Ташинжстрой» трестига қарашли 10-қурилиш бошқармасининг Нурфаёз Ғаниев дарғалик қилаётган бригада коллективи ҳам ана шу ташаббусга қўшилиб меҳнат қилмоқда. Ҳозир 1981 йилнинг охирги ойлари ҳисобига меҳнат қилаётган бригада аъзолари кунлик нормаларини 140—150 процентдан уддалашиб, зўр кўтаринки кайфиятда меҳнат қилмоқдалар.

Партиямизнинг тарихий 1978 йил июль Пленуми иш бошлаган айёмда Нурфаёз Ғаниев зиммасига олган шахсий беш йиллик план топшириғини шараф билан бажарди.

«Ташинжстрой» трести коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг учинчи квартал якунлари кўриб чиқилди. Нурфаёз Ғаниев бригадаси ўтган ойларда 21 минг 400 сўм ўрнига 23 минг 509 сўмлик иш бажариб, план-топшириқларини 139,9 процентга бажаргани аниқланди.

— Мен қўлга киритаётган ютуқларда қурувчилик касбини ўргатган устозларим, коммунистик меҳнат зарбдорлари Иқбол Йўлчибоев, Ражаб Бабожоновларнинг хизматлари каттадир, — дейди Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Н. Ғаниев.

**Ғ. АБДУЛЛАЕВ.**



• ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

## ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Йил бошидан буён шаҳар савдо тармоқларига 115 минг тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари келтирилди. Шу кунларда қишга мева ва сабзавот сақлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Фрунзе районининг чакана савдо идораси шаҳардаги йирик тайёрлов ташкилотларининг бирндир. Район кўп йиллардан буён Калинин районининг колхоз ва совхозлари билан амалий алоқа боғлаган. Ҳар куни Фрунзе райони меҳнаткашлари Оржоникидзе, Куйбишев колхозларидан, «Партия XXI съезди» совхозидан кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олмоқда. Ҳозиргача Фрунзе райони чакана савдо идорасининг бешта магазин ва павильонларига 10 минг тонна сабзавот, 2 минг тоннага яқин пиёз, 3 минг тонна карам ва бодринг келтирилди.

# ФРУНЗЕ РАЙОНИ

*Обод ва кўркам бўлмоқда*

Фрунзе райони ҳозирги вақтда ям-яшил дарахтларга бурканган, осмонўпар турар жойлар, кенг ва узун бульвар ва проспектларга эгадир. Районни янада обод ва кўкаламзор бўлишига ободонлаштириш бошқармаси коллективи катта ҳисса қўшмоқда.

## ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Бошқарма ташкил этилганидан бери ўтган олти йил ичида районда 650 минг квадрат метр майдонга эга бўлган 69 кўчага асфальт ётқизилди. 225 мингта дарахтлар, 510 мингта кўчатлар, 840 мингта гуллар ўтқазилди. Шаҳар транспортидан фойдаланувчи меҳнаткашларга қулайлик яратиш мақсадида автобус ва троллейбус бекатларида юзта шийпончалар, 150 та скамейкалар ўрнатилди. Районда 4,5 гектарга эга бўлган олтита янги микросквер қурилди. Бўржар ва Салор каналларининг атрофлари реконструкция қилинди, соҳилларга бетон ётқизилди, қирғоқлар ободонлаштирилиб, яшил зоналар ташкил этилди.

Бошқарманинг барча бўлинмалари беш йилликнинг учинчи йили учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилган эди.

1978 йил 7 октябрь — СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги арафасида ободонлаштирувчилар йиллик капитал ва жорий ремонт ишлари планини бажарганлиги ҳақида рапорт беришди. Титов, Муқимий, Саломатин кўчаларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришга, майдон ҳамда скверларда ремонт ишларини бажариш учун жуда кўп маблағ сарф этилди.

Йўлларнинг машина ўтадиган қисмини ремонт қилиш топшириғи 47 процент ошириб бажарилди. Бошқарманинг йўл эксплуатация участкаси коллективи айниқса қувончли ютуқларни қўлга киритди. Бордюрларни тўғрилаш, скамейкаларни бўяш каби ишлар ўз вақтида, сифатли қилиб адо этилди. Қувурларни тозалаш, ирригация тармоқларини тозалаш бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятлар эса 33,3 процент ортиғи билан бажарилди. Бу мақсадда 45 минг сўм маблағ сарф этилди.

В. И. Ленин туғилган куни ўтказилган Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигини уюшқоқлик билан ўтказдик. 270 ташкилот ва корхонанинг вакиллари, районнинг 80 мингдан зиёд аҳолиси катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини бажаришди. Кўплаб дарахтлар, кўчатлар ва гуллар экилди.

Айни кунларда бошқармамиз коллективи қишга тайёргарлик кўришни тугалламоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича оширилган мажбурият қабул қилдик. Бу топшириқларни ҳам албатта амалга ошириб, Фрунзе районини янада обод, янада кўркам қилишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Д. ЮСУПОВ,**
**Фрунзе район ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи.**

## Районнинг бош кўчаси

*Репортаж*

Шота Руставели кўчаси шаҳарнинг энг асосий магистралларидан бири ҳисобланади. У бутун Фрунзе районини бўйлаб ўтган бўлиб, кўчанинг икки томонида муҳим саноат корхоналари, муассасалар, шу билан бирга, истироҳатгоҳ жойлари жуда кўп.

Кўча ҳақидаги ҳикояни яхшиси пойтахтнинг жанубий-ғарбий дарвозаси — «Самарқанд» автостанциясидан бошлай қолайлик. Худди шу ердан пойтахтимизга келаётган кўплаб меҳмонлар шаҳар билан танишадилар. 3 та троллейбус, 4 та трамвай ва 7 та автобус маршрутлари автостанцияни шаҳримизнинг турли бурчаклари билан боғлайди. Биринчи муюлишда кўчанинг Волгоград кўчаси билан кесишган жойида Ватанимиз озодлиги учун курашда ҳалок бўлганлар шарафига ўрнатилган улуғвор ҳарбий мемориал диққатингизни тортади. Мемориал пойида мангу олов ёниб турибди. Кўчанинг қарши томонида эса республикамиз қурувчиларига жуда таниш бўлган ташкилот — Қурилиш материаллари саноати министрлигининг «Оргтехстройматериал» ихтисослаштирилган конструкторлик-технология бюроси жойлашган. Бу ерда қурилиш учун янги материаллар, механизация воситалари яратилади. Бюро томонидан ишлаб чиқилган янги материаллар ичида овоз ўтказмайдиган гипс плиталар ҳам бор. Мамлакатимизнинг иккита заводида бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Яқинда бюронинг бундай плиталарни яратишда қатнашган бир группа ходимлари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг медалини олишга муяссар бўлишган.

Шота Руставелида шаҳарнинг йирик стадионларидан бири — «Текстильщик» жойлашган. Иншоот урушдан олдин қурилган бўлиб, бу ерда шаҳарнинг биринчи сузиш бассейни бўлган эди.

У ўша пайтларда газеталарда ёзилганидек тўқимачилар ва уларнинг оила аъзоларининг бўш пайтларда чўмилишларига хизмат қилар эди. Ҳозир эса бу спорт базаси олий лигада қатнашаётган «Меҳнат» командасига хизмат кўрсатмоқда. Кейинги йилларда стадион қайта реконструкция қилинди. Янги минбарлар, қўл тўпи, баскетбол, теннис ва спортнинг бошқа турлари бўйича машғулот ўтказиладиган майдончалар бунёд этилди. Айни кунларда спорт секцияларида комбинатнинг юзлаб ишчилари шуғулланишмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинати шу соҳадаги энг йирик корхоналарнинг биридир. У 1932 йилда қурилган. Эндиликда Тошкент тўқимачилари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар дунёнинг кўп мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Кўчанинг тарихига назар солгудек бўлсак, у революцияга қадар «Дачная» деб номланганлигини биламиз. Тор, қинғир-қийшиқ, чанг бу кўча атрофида гуваладан қилинган уйлар бўларди. Кўча Туркистон генерал-губернаторининг ёзги чор-боғига олиб борар эди. Бу кўча жуда қадимдан мавжуд бўлсада, у борган сари ёшармоқда. Урушдан сўнг бу ерда жуда кўп иморатлар қурилди.

Кўпинча, уни тўқимачилар ва машинасозлар кўчаси деб аташади. Ҳа, бу ерда маҳсулотлари мамлакатимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлган завод жойлашган. «Таштекстильмаш» заводи маркаси билан ишлаб чиқарилаётган йигирув машиналарини мамлакатимизнинг барча тўқимачилик корхоналарида учратиш мумкин.

Кўчанинг Богдан Хмельницкий кўчаси билан туташган жойида шаҳримизнинг энг катта савдо тармоқларидан бири — Фрунзе савдо маркази жойлашган. Ўн йил муқаддам ташкил этилган бу магазинда қарийб 350 сотувчилар контролёр-кассирлар, инженер-техник ходимлар меҳнат қилишяпти. Агар ўн йил илгари бу ерда бир йилда 11 миллион сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, ҳозир ҳар йили 17 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинмоқда.

Кўча бўйлаб сайр қилар эканмиз, у қулай планлаштирилганлигини сезамиз. Магазинлар ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари турар жой кварталлари ёнида, парк ва хиёбонлар жуда кўп. Ҳавоси тоза. Бу ерда турар жой бинолари зич бўлсада, янгидан-янги иморатлар қад кўтаряпти. Масалан, республикада биринчи «Океан» магазини мавжуд. «Россия» меҳмонхонаси ёнида тўққиз қаватли иморат қад кўтармоқда.

Буюк грузин шоири номидаги бу кўча кўп бошқа кўчалар билан туташган. Масалан, Фарҳод, Волгоград, Муқимий, Б. Хмельницкий, Глинка кўчаларига ҳам шу кўча орқали борилади. Пойтахтимизда биринчи марта Шота Руставели кўчасидаги Саперлар майдонида ер ости ўтиш йўли қурилган эди. У «Россия» меҳмонхонасини, аэрофлотнинг марказий агентлиги ва 2-тикув фабрикасини боғлайди.

1913 йилда Тошкент яқинидаги Троицкий лагерида кўзғалон кўтарган сапёрлар батальонлари шарафига номланган майдонга келиб, Шота Руставели кўчаси тугалланади.

**А. УЛИЧКИН.**

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## Совет техникаси ёрдамида

БУДАПЕШТ. Венгрия қишлоқ хўжалик авиацияси Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган юзинчи вертолётни олди. СССРнинг авиация техникаси Венгриянинг қишлоқ хўжалик кооперативларида ва давлат хўжаликларида тобора кенг қўлланилмоқда. Венгрия авиаторлари Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган вертолётлар ва самолётлар ёрдамида шу йилнинг ўзидагина 4,2 минг гектар экинзорга дори сепдилар.

Ўсимликларни химиявий воситалар билан ҳимоя қилиш — Венгриянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу соҳада анчагина натижаларга эришилди. Ҳозирги вақтда 10 миллион гектар майдондаги экинзорлар, боғлар ва токларга дори сепилмоқда.

Ўсимликларни химиявий воситалар билан ҳимоя қилиш ишларини беш йилликнинг охирига бориб яна 50 процент кўпайтириш назарда тутилмоқда.

## *Ҳамкорлик кучаймоқда*

ПРАГА. Бу йил Чехословакиянинг Стара Тура шаҳридаги ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмаси Совет Иттифоқига 300 миллион кроналик ҳар хил медицина асбоблари юборади. Замонавий рентген ва тиш даволаш асбоблари, анестезиологик приборлар, инъекция техникаси булар орасида асосий ўринни эгаллайди.

«Хирана» савдо-ишлаб чиқариш бўлимининг мудири В. Трефилек ТАСС мухбирига бундай деди: бирлашмамизнинг чет эллардаги шериклари орасида бир неча йиллардан бери СССР биринчи ўринда турибди. Ҳозирги вақтда қардош социализм мамлакатлари учун мўлжалланган бутун маҳсулотнинг қарийб 40 проценти Совет Иттифоқига юборилмоқда.

## ХЎЖАЛИКЛАРАРО КООПЕРАТИВЛАР

УЛАН-БАТОР. Гоби — Олтой аймоғидаги «Путь к социализму» ва «Правда» қишлоқ хўжалик бирлашмалари кенгашлари «Тахийн тал» хўжаликлараро кооперативни туздилар. Бу кооператив чорва моллари учун озуқа тайёрлашга ихтисослаштирилади.

Шу қишлоқ хўжалик бирлашмалари чорвачиликдан жуда катта даромад олаётганлигига қарамай ҳар йили чорва моллар учун ем-хашакни ташиш ва тайёрлашга кўп маблағ сарф қилар эдилар. Автомобиль транспорти ходимлари ем-хашакни баъзан 2 минг километргача йўл босиб, узоқ районлардан ташиб келтирар эдилар.

Кооперативларнинг куч-ғайратини бирлаштириш натижасида озуқа тайёрлаш анча арзонлашади, Бу эса хўжаликларнинг рентабеллигини оширишга, хўжаликлар экономикасининг асосий тармоғи чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтиришга ёрдам беради.

## ОҒИР ҚИСМАТ

БОНН. ГФРдаги 170 минг ишчи ва хизматчи бир йилдан кўпроқ вақтдан бери иш қидириб меҳнат биржаси остонасидан нари кетмаяпти. Ҳозир улар аввалги тўрт йилдагига нисбатан икки баравар кўпайган. «Бу одамлар сал кам бир миллионлик ишсизлар армиясининг ўзига хос қаттиқ ўзагидир, деб ёзади социал демократларнинг «Форвертс» ҳафтаномаси. Бу ҳолатнинг ижтимоий руҳий оқибатларини тасаввур этиш қийин».

Кадрлар билан шуғулланувчи маҳкамалар меҳнат биржасидан йўлланма олиб келаётган кишиларнинг аризасига назар ташлашни ҳам хоҳламасликлари одат тусига кириб қолган. Бир йилдан кўпроқ вақт муқаддам ишдан маҳрум бўлган кишилар ҳозиргача неча марталаб рад жавобини олишди. «Форвертс» ҳафтаномаси ана шундай кишилардан бир нечтасининг фожиали тақдирини тасвирлаб шундай хулосага келади: «бунинг оқибатида инсон бутунлай тушкунликка тушади, ижтимоий жиҳатдан батамом якканиб қолади. Бу эса ишсизнинг оғир аҳволини яна ҳам мушкуллаштиради».

Ҳафтанома саҳифаларида социология тадқиқотининг маълумотлари баён этилган, бу тадқиқотлар узоқ вақтдан бери иш қидириб беҳуда овора бўлаётган кишиларнинг 40 проценти аввалги касбдош ўртоқлари билан ва ҳатто дўстлари билан бирон бир муомала қилишдан қатъиян бош тортмоқдалар.

Бундай одамлар жамиятга нисбатан андишани бир ёққа йиғиштириб қўйиб, теварак-атрофдагиларга аламзадалик ва истеҳзо билан қарайдиган бўлиб қолмоқдалар, ичкиликка берилиб, аламдан чиқишга уринмоқдалар, деб ёзади «Форвертс».

**А. ГРИГОРЬЕВ.**

## ЖИНОЯТЧИЛИК КЎПАЙМОҚДА

БОНН. Қуролли ҳужум, талончилик, ўғрилик Германия Федератив Республикасида кундалик воқеага айланди. Мамлакатда ҳар куни қарийб 9 минг жиноят содир бўлмоқда. Жиноий ишлар бўйича федерал маҳкаманинг статистика ҳисоботига кўра ўтган йили 3,2 миллион жиноят юз берган. Бу эса 1976 йилдагига нисбатан 7,3 процент кўп.

Жиноятчилик шу қадар кенг қулоч ёйиб кетдики, эндиликда полиция унинг олдини олишдан ожиз бўлиб қолди. Жиноятларнинг кўпчилиги — 55,2 проценти фош этилмай қолмоқда.

Шу ҳисоботда қандай ва қанақа жиноятлар қилинганлиги синчиклаб ҳисоблаб чиқилган, лекин мамлакатда жиноятчиликнинг шу қадар тез ўсишига нима сабаб бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилган эмас.

Демократик матбуот ишсизликнинг кўплиги, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлик, жиноятчиликнинг ижтимоий илдизлари эканлигини ҳақли равишда уқтириб ўтмоқда. Жамиятнинг машъум юқори табақаси вакилларига мамлакатда жамики жиноятчилар ўғирлаганига қараганда ўнлаб баравар кўп маблағни ўзлаштиришига имкон бераётган буржуа ҳуқуқ системасининг кризиси ҳам жиноятчиликнинг ижтимоий илдизи ҳисобланади.

ГФРда растрата қилиш, порахўрлик, сохта фирмалар ташкил этиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, солиқ тўлашдан бош тортиш каби иқтисодий жиноятларнинг кўпаяётганлиги буни яққол исбот этмоқда. Матбуотда таърифланишича «бежирим кийинган жиноятчилар» 1977 йилда мана шунга ўхшаш 4 мингга яқин жиноят қилдилар. Шу жиноятлардан 5 миллиард марка зарар кўрилди. Бунга эса фақат фош этилган жиноятлар киради.

**Е. ГРИШИН.**

# Бронзада акс этган мангулик

Қиз қўлидаги гулдастани авайлаб бронза ҳарфлар билан «Фашизмга қарши ҳаёт-мамот курашида матонат кўрсатган қаҳрамонларга бағишланади» деб ёзиб қўйилган ҳайкал пойига қўйди.

Ш. Руставели кўчасидаги ҳарбий мемориалнинг очилиш қисмидаги барельефда ёзилган қисқа ҳамда мазмундор бу сўзларни ўқир экансан ҳаяжонга тушасан киши. Ўз-ўзидан кўзингга ёш келади, ўтмишни эслайсан.

Жангу-жадал йилларида ҳозирги порлоқ турмушимиз учун ўз жонини қурбон қилиб, исм ва фамилияларини Улуғ Ватан уруши тарихига ёзишга муяссар бўлган кишиларга таъзим қилиш мақсадида бу ерга ҳар куни минглаб тошкентликлар ва республикамиз пойтахтининг меҳмонлари келишади.

— Мемориал комплекс авторлари, — дея ҳикоя қилади Тошкент экспериментал ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинатининг бош инженери Геннадий Георгиевич Сушевский, — тошкентлик архитекторлар СССР Давлат мукофоти лауреати Леон Тигранович Адамов ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ярослав Андреевич Афанасьевлардир. «Қайғураётган она» композициясини ҳам тошкентлик Леонид Григорьевич Рябов ва Владимир Александрович Луневлар яратишган.

Мемориални бунёд этиш ишлари бир неча йил давом этди. Уни яратишда корхонанинг барча коллективлари иштирок этишди. Унинг ҳар бир элементини аниқ ва пухта бўлишини таъминлашга ҳайкалтарош ва ўймакор, зарбловчи ва оддий ишчилар фақат меҳнатларигина эмас, ҳатто қалб қўрларини ҳам сарф қилишди.

Бу ҳақда Қизил Юлдуз ордени кавалери, комбинат силлиқловчиси В. Семёнов жуда яхши фикр билдирди. Жумладан у шундай деди:

— Мен дастлабки кундан бошлаб урушнинг охирига қадар фронтнинг алангали йўлини босиб ўтдим. Қуролдош дўстларим худди тирик кишилардек, ҳамон кўз олдимда туришибди. Уларнинг кўплари мангуликка бош қўйишди. Уларга мағлуб бўлган рейхстаг устига Қизил Байроқ тикилганлигини кўриш насиб этмади. Улар ғалаба нашидасини биз билан баҳам кўролмадилар. Шунинг учун ҳам мемориал комплексининг ҳар хил деталларини тайёрлар эканман фақат ўз ишимнигина бажариб қолмасдан, уларни сифатли бажаришга бутун қалб қўримни ва маҳоратимни сарфладим. Чунки бу буюртма ниҳоятда масъулиятли буюртма эди.

Санъаткорларнинг маҳоратлари туфайли минглаб ҳалок бўлган қаҳрамонлар, хотираси халқ дилида абадий сақланиб қолганлиги, оналаримизнинг ғамаламда тўккан кўз ёшлари бронзада ўз аксини топди.

Фашизмга қарши беомон жангда қурбон бўлган кишилар мангу сукунатда қотиб туришибди. Уларга синчиклаб назар ташлар экансиз қулоғингизга:

Бу нарса такрорланмаслиги керак. Ҳеч қачон бундай бўлмаслиги керак, деган сўзлар эшитилгандек бўлади.

**В. ДОРОДНИЙ.**

**СУРАТЛАРДА: 1. «Халқ жасорати унутилмайди» барельефидан бир кўриниш.**
**2. «Қайғураётган она» ҳайкали.**
**Автор фотолари.**



*• Бош план асосида*

# ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ

Кейинги йилларда Фрунзе районн архитектура жиҳатидан жуда ўзгариб кетди. Кўча ва майдонларни қайта қуришда меҳнаткашлар учун барча қулайликларни яратишга алоҳида эътибор берилаётир.

Ҳозир Богдан Хмельницкий кўчасида шаҳарда энг катта биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари жойлашадиган 9 қаватли 750 квартирага мўлжалланган турар жой биноси қурилмоқда 132 квартирали тажриба тариқасида бунёд этилаётган 12 қаватли турар жой биноси ҳам кун сайин кўкка бўй чўзаётир. Худди шу ерда ҳар бири 280 кичкинтойга мўлжалланган иккита болалар боғчаси қурилмоқда. Фрунзе район ички ишлар бўлимининг биноси ва бошқа объектлар қурилишида ҳам бинокорлик ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Районнинг яна бир йирик магистрали — Шота Руставели кўчасида Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг архитектура жиҳатидан ноёб ҳисобланган иншооти қад кўтаряпти. Бундан ташқари савдо техникумининг 400 студентга мўлжалланган ётоқхонаси, 500 киши қатнаб даволанадиган поликлиника, «Узколхозстрой»нинг инженерлик-лаборатория корпуси ва бошқа иншоотлар ҳам қурилаётир.

В. И. Ленин номли болалар парки территориясида республика қўғирчоқ театрининг бино қурилиши бошлаб юборилди. Космонавтлар проспектида иккита кино зали бўлган «Билимлар уйи», «Пойафзаллар уйи» ва 223 квартирага мўлжалланган тўққиз қаватли турар жой биноси қурилмоқда.

Уй-жой, маданий-маиший ва бошқа объектларни қуришда республиканинг иқлим шароитлари, ўзбек миллий анъаналари ҳисобга олинади.

Лойиҳачиларнинг янги архитектура ечимларига кўра, тез орада Педагогика кўчаси реконструкция қилиниб, у В. И. Ленин проспектига қадар давом эттирилади. Бу кўчада остки қаватларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари жойлашадиган тўққиз қаватли уй-жойлар қурилади. Хлопково, Абдуллаев, Прядильная, Островский кўчаларида ҳам уй-жойлар қуриш тайёргарлиги кўрилмоқда. Келгуси беш йилликда Қизил тўқимачи темир йўл станцияси ёнида иккита турар жой микрорайони бунёд этиш кўзда тутилмоқда.

**Д. ФАЙЗУЛИН,**

**Фрунзе районининг бош архитектори.**

**СУРАТДА: Б. Хмельницкий кўчасида қурилаётган 750 квартирали турар жой биноси ташқи томонининг кўриниши.**



# ФРУНЗЕ РАЙОНИ

*Обод ва кўркам бўлмоқда*

*• Экспонатлар ҳикоя қилади*

# Дурдоналар уйи

Ўзбекистондан чет эллар учун бериладиган «Ассалому алайкум!» деб бошланадиган радио эшиттиришларининг бирида тингловчиларга «Ўзбекистон ҳақида нима биласиз?» деган савол берилган эди. Жавоб юборганларнинг кўпи Ўзбекистон амалий санъат музейи, унинг ажойиб экспонатлари тўғрисида ёзиб, унинг ташкил этилиши ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилишган эди.

— Ҳа, дарҳақиқат музейимиз республикадан ташқарида ҳам машҳур, — дейди Ўзбекистон амалий санъат музейининг директори Бахтиёр Воҳидович Акбаров, — Ўтган йили 90 мамлакатдан келган 85 мингдан зиёд киши музей экспонатлари билан танишди. Бу йил охиригача эса уларнинг сони 100 мингга етса керак. Бу рақамлар ўзбек амалий санъатига, халқ ижодига қизиқиш жуда кучлилигини билдиради. Музейимизда Ўзбекистонда мавжуд амалий санъатнинг барча намуналарини кўриш мумкин.

...Катта, ўймакор дарвозалар очилиб, сиз гўё эртаклардагидек сеҳрли оламга дуч келасиз. Бу уй ўтган асрда рус дипломати А. Половцевнинг шахсий секретари М. Андреев раҳбарлигида қурилган эди. Половцев шарқнинг билимдони, халқ санъатига ихлосманд эди. Шунинг учун ҳам бу бинони ўзбекча услубда қурдирган. Ўзбек миллий ўймакорлик нақшлари билан безатилган бинонинг ташқи ва ички томонларини, ҳатто йиллар ўтса-да ранги ўчмаган нақшларини кўриб, дил яйрайди. Бино, ўзбек усталарининг аниқ ва гўзал архитектура ечимлари, фидокорона меҳнати хусусида ҳикоя қилади.

Республика амалий санъат музейи 1938 йилда Фрунзе районида очилган Ўзбекистон ҳунармандларининг вақтинчалик кўргазмаси базасида ташкил этилган эди. Республиканинг турли жойларига махсус илмий экспедициялар юборилди. Экспедиция аъзолари халқ ҳунармандлари, ўймакорлари, мисгарлари ҳузурида бўлиб, уларнинг санъатини ўрганишди. Халқ санъатининг энг нодир намуналарини музейга келтиришди. Музейнинг ҳозирги экспонатларини тўплаш учун жуда кўп вақт ва маблағ сарф этилди. Халқ ижоди намуналари, жумладан, андижонлик усталар томонидан яратилган «ҳидирча» гиламини қайта тикланди.

Музейга XIX асрнинг охирларида яшаб ижод этган усталар, уларнинг шогирдлари ва ҳозирги ёш рассомларнинг асарларидан жуда кўп намуналар қўйилган. 11 та залга кошинкорлик, музика асбоблари, гиламлар, заргарлик безаклари, лойдан ясалган ўйинчоқлар, декоратив паннолар қўйилган.

Биз, ганч ўймакорлиги залидамиз. Бу ерга қўйилган экспонатлар бир-бирига ўхшамайди. Ўзбек халқ ижодининг энг қадимги турларидан бири бўлган ўймакорлик санъатининг 200 дан зиёд экспонатлари томошабинларда катта таассурот қолдиради. Яқинда музейга ёш рассомлардан 14 нафари ижод этган ганчкор паннолар келтирилди. Музейга ташриф буюрган кишилар қадимги ўзбек усталарининг анъаналарини ёшлар қандай давом эттиришаётганининг гувоҳи бўлишади. А. Мухторовнинг лойдан ясалган юмористик руҳдаги ўйинчоқлари ҳам кўпчилик диққатини ўзига жалб этади. Бу уста оддий лойдан жуда чиройли шакллар, қўғирчоқлар яратган.

Музей экспонатларининг ҳар бири хусусида ҳикоя қилишнинг иложи йўқ. Бу ерда намойиш этилаётган санъат дурдоналарида халқ ўз орзу-истакларини, келажак ҳақидаги ўйларини акс эттиришга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон амалий санъати музейининг кўргазмалари Запорожьеда, Доғистонда ва иттифоқимизнинг бошқа республикаларида намойиш этилган. Ҳатто музей коллекциялари Швеция, Германия Федератив Республикаси, Шри Ланкада ҳам намойиш этилган.

«Бу музейда ўзбек халқининг қалби худди ойнадагидек акс этади. У социализм шароитида халқ санъати қандай эҳтиёт қилинаётганлиги, ривожланиб бораётганлиги тўғрисида ҳикоя қилади». Музейнинг экспозициялари хусусидаги китобга ҳиндистонлик ёзувчи Навтедж Сингх ана шундай деб ёзган эди. Унинг сўзлари Ўзбекистон амалий санъати музейи ходимлари олиб бораётган ишлар нақадар катта аҳамиятга эгалигини акс эттиради.

**Р. ҒУЛОМОВА.**

**СУРАТЛАРДА: музей экспонатлари.**

# Санъаткорлар маскани

1947 йилда Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда биринчи давлат театр санъати институти очилди. Бу ерда юқори малакали режиссёрлар, актёрлар, театршунослар тарбиялана бошлади. 1955—56 йилларда у Тошкент театр ва рассомчилик институтига айлантирилиб, унга А. Н. Островский номи берилди. Шу вақтдан бошлаб, рассомлар ҳам билим ола бошлади.

Ўтган 31 йил ичида институт 2,5 мингдан зиёд театршунослар, актёрлар, тасвирий санъат, халқ амалий санъати бўйича мутахассислар тайёрлади. Тошкент театр ва рассомчилик институти Ўрта Осиё республикалари ичида шу соҳадаги биринчи ўқув юрти ҳисобланади. Пойтахтимиздаги Ҳамза номли академик театр, Муқимий номли республика музикали драма ва комедия театри ва Ўзбекистондаги бошқа театрларнинг ижодий коллективларида институтни битирган санъаткорлар кўплаб топилади.

Институтни тамомлаган санъаткорлар шу кунларда Москва, Ленинград, Куйбишев, Свердловск, Олмаота, Фрунзе, Ленинобод, Андижон, Самарқанд, Нукус театрларида меҳнат қилмоқда. Республика радио ва телевидениеси, завод ва фабрикалардаги бадиий ҳаваскорлик коллективларининг раҳбарлари ичида ҳам шу театрда таълим олганларни учратиш мумкин. Санъатшунослик фанлари докторлари М. Раҳмонов ва М. Қодиров, СССР халқ артистлари Г. Измайлова ва Р. Ҳамроев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, рассом С. Абдуллаев, таниқли театр ва кино артистларидан Л. Броневой, В. Рецептер, И. Ледогоров, Р. Ткачук ва бошқалар ҳам шу санъат масканида таълим олишган.

Яқинда театр ва рассомчилик институтининг студентлари ҳамда педагоглари янги беш қаватли корпусга кўчиб ўтишди. Кенг, ёруғ аудиторияларда ёшларга билим бериш учун барча имкониятлар муҳайё. Яқин келажакда ўқув корпуси атрофига гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилади. Ҳозир институтда 20 миллатга мансуб 1100 студент қарийб 20 ихтисослик бўйича таълим олмоқда.

## Материаллар тўплами

«Ривожланган социализм ва коммунизм қурилиши шароитида марксчи-ленинчи партиялар раҳбарлик ролининг ошиши» деб номланган тўплам босмадан чиқди. Китобда 1977 йилнинг 7—9 июнь кунлари Москвада ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари берилган. Доклад ва ахборотларда ривожланган социализм ва коммунизм қурилишида марксчи-ленинчи партиялар раҳбарлик ролининг энг муҳим жиҳатлари, социализм ва коммунизм қурилишининг энг муҳим объектив қонунияти сифатида Коммунистик партия ролининг кўтарилиш масалалари, жамиятни революцион ўзгартириш жараёнида объектив ва субъектив омиллар диалектикаси тўғрисидаги масалалар, ҳозирги босқичда коммунистик партияларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш проблемалари илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

## ЎЗБЕК КИНОСИ ШУҲРАТИ

Зарбдор металлург Саид Нуриддинов бошлиқ бригада нима учун қолоқлар қаторига қўшилиб қолди? Доимо мақталиб келаётган бригада аъзоларининг муваффақиятсизликка учраш сабаблари ва сўнгра яна илғорлар сафидан ўрин олиши «Учинчи ҳақиқат» телевизион фильмида ифодаланган. Бу картина Москва талабчан ижодкорларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Янги фильмни Марказий телевидение орқали 26 ноябрда томоша қилишингиз мумкин. Фильмнинг сценарий автори Э. А. Дубровский, режиссёр Р. Уткиров, оператор Б. Назруллаев. «Узбектелефильм» студиясида яратилган бу асарнинг юқори баҳоланиши ижодкорларга янги масъулият юклайди.

### БУГУН

«УЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ» УЗИНИНГ РАНГ-БАРАНГ МАВЗУДАГИ УНДАН ОРТИҚ КАРТИНАСИНИ «КИНО УЙИ»ДА ЯНА БИР КУРИК МУҲОКАМАСИГА ТАҚДИМ ЭТДИ. Фильмлар намойиши олдидан СССР кинематографчилар союзи правленнеси ташаббуси билан телевизион фильмлар тайёрлашнинг маҳорат сирларини ўрганишга бағишланган зонал семинари ўз ишини бошлади. Унда санъатшунослик фанлари кандидати А. И. Липков доклад қилди. Санъатшунос Борий Ҳасанов ўзбек студияси яратган бу йилги фильмларнинг ютуқ ва камчиликлари ва келгуси режалари ҳақида гапирди.

Зонал семинар уч кун давом этади.

**Ф. УСМОНОВА.**

Юрий **ЯКОВЛЕВ,**

**Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.**

# СОҚЧИ

### ҲИКОЯ

Бугунги тун кўнгилсиз бошланди. Шимолдан кучли шамол эсарди. У юзни музлатар ва қоровул пўстинининг ҳар бир илма-тешигидан кириб борарди. Пўстини ўз рангини йўқотиб, чилдирманинг чармидек сийқаланиб кетганди. Изғирин ундан ўтиб, орқа кураккача етиб борганди. Петров совуқдан жунжиб, пишиллаб жаҳл билан шамолдан юз ўгирарди. Шу пайт, эски яраси зирқираб оғрий бошлади. Унинг оғриғи қандайдир тубдан, зирқиратиб, эзиб келарди. Бу оғриқни туни билан тинмай эсаётган шамол қўзғаганди. Тўғрисини айтганда, яраси битиб кетганига кўп вақтлар ўтиб кетган ва сонига кирган бир парча снаряд медсанбатда, жанг тугаши билан олиб ташланган бўлса-да, совуқ ҳавода чандиқ яра ўрни қизариб, бироз қийнарди.

Петров оғриётган сонини ишқаламоқчи бўлди, бироқ қўлларини тош қотгандек жойидан қимирлатолмади. «Оғриб-оғриб, ўзи босилиб қолар», деди ўзича Петров ва елкаси билан шамол томон бурилиб олди. У ҳолдан тойган, кимдир елкасидан босиб тургандек туюларди. Авваллари бундай аҳволга тушмаганди, бугун эса уйқусизлик, бунинг устига вақтнинг имиллаб ўтиши уни қийнаб қўйди.

Петров магазиннинг ёпиқ эшиклари ёнидаги яшчик устида ўтирарди. У тунги қоровул. Ҳар кеча бу ерга келиб, юлдуз изи қолган солдатча қулоқчинини бостириб олиб, эрталабгача ўтиради. Қўшни магазинларни кексайиб қолган аёллар қўриқлашади. Қимир этмай, ўралишиб қишу—ёз бесўнақай, теги тикилган пиймалар кийиб олишиб ўтиришаверади. Шундай, қўриқлаш ишидек муҳим бир масаланинг ёшлари ўтиб қолган аёлларга ишониб қўйилиши Петровга бироз алам қилади. Уларнинг ухлаб ўтиришлари турган гап. Петров эса ҳамиша сергак.

Ҳаётида бир мартагина постда турганида ухлаб қолганди.. Бу урушнинг дастлабки кунларида содир бўлган эди. У отиш позициясидан четда, тўплар учун қазилган ертўла ёнида турарди. Одамлар етишмаганидан икки сменадан постда туриларди,— ҳам кундузи, ҳам кечаси. Петровни ўтирмаса ҳам уйқу босарди. Атроф қоп-қоронғи. Кўзинг очиқми, юмуқми барибир ҳеч нарса кўринмайди. У ёпғич топиб, елкасига ташлаган эди, сал бадани исигандек бўлди. Бу илиқ ҳарорат уни уйқуга тортди. Кўзини юмган заҳоти ширин уйқуга кетди. Қани энди кўзини оча олса. У бир неча минут ухлади, холос. Амма назарида олам жаҳон вақт ухлагандек туюлди. Ана энди бутун батареяда: «Петров постида ухлабди», деган гап тарқашидан чўчиб уйғонди. Энди уни трибуналга беришлари турган гап. Назарида карабин милтиғини, ғилофли ханжар найзасини, замбарак запалини қўлидан тортиб олишаётгандек бўлди. Мана, камарини ҳам ечиб, отиш позициясида бўйлаб олиб кетяптилар. У бўлса ўртоқларининг кўзига бош кўтариб қарайолмайди.. У тўплар ўрнаштирилган ертўла олдида туриб, қачон келиб олиб кетишларини пойлаб турибди. У ўзини оқламоқчи эмас, ўзини ўзи жазога лойиқлигини таъкидларди. Шафқат кутмасди. Қаттиқ чора кўрилишини истарди..

Уни ҳеч ким трибуналга топширмади. Постда ухлаганини ҳеч ким билмади ҳам. Навбатчи келди. Ухлайвериб қовоғи шишган сержант уни ертўлага бошлаб борди ва ёғоч каравот томон имлаб: «Ухла. Икки соатдан сўнг яна қоровулга борасан», — деди.

Петров сержантга, нотаниш хавфсираб қараб қўйиб, похол устига чўзилди.

Бугун, инқиллаб ва шумшайиб, оғриётган ярасини ишқалай олмай бошидан кечирган шу шарманда кечани ўйларди. У ҳозир ҳам бундан уялади. Ҳануз ўзини кечиролмаяпти.

Петров бутун ҳаётини постда ўтказди. Ўрмонда, далада, қишлоқларда ва шаҳарларда —қўмондонлик тасдиқ этган ҳар бир постда турди. Муддатли ҳарбий хизматда, ёшгина қизил аскарлик пайтида ҳам, уч урушни бошидан кечирган, ҳозир қариган чоғида ҳам постни тарк этмади. У одамларни, техникани, снарядларни қўриқлади. Энди бўлса бочкадаги шўр балиқ, қоплардаги дон-дунларни қўриқлаяпти. Ҳозир қўлида бирон қуроли ҳам йўқ. Фақат қуруқ, ғадир-ғудур кафтида, ичига нўхот доналари солинган тунука ҳуштагини қисиб олган.

У яна хаёлларга чўмиб, ўзининг ўспирин жангчи, ўқувсиз бўз бола кезларини эслади. Ўшанда уни биринчи бор постга тайинлашганди. Петлицасида учта учбурчак белгиси бор полкомвзвод уни ўқ-дорилар қўйиладиган узундан узун бўш бир омбор ёнига олиб келиб айтавериб ёд бўлиб кетган сўзларни қайтарди:

— Пост номери уч. Қўриқлаш ва мудофаада: омбор, иккита ўт ўчирадиган асбоб ва ёнғинга қарши анжомлар. Қайтар.

Шунда ёш Петров ҳаяжонли овоз билан пойма-пой қайтара бошлади:

— «Пост номери уч. Қўриқлаш ва мудофаада...»

У полкомвзвод билан бамисоли қандайдир давлат хавфсизлиги шунга боғлиқ бўлган жуда муҳим ва маҳфий масалани ҳал этишаётгандек туюларди.

«...Омбор, иккита ўт ўчирадиган асбоб, ёнғинга қарши анжомлар...»

У бирон сўзни тушириб қолдирмаслик учун, ҳаммасини бошдан қайтариб чиқарди.

— Омбор муҳрланган, — уни огоҳлантирди командир. — Постни топшираётганингда — муҳр жойида бўлсин.

Айтишга уят, лекин, Петров бир ўзи қолганда, уни ваҳима босди. Чор атроф қоп-қоронғу, зимистон, кимдир писиб, сездирмасдан келаётгандек, муҳрни суғуриб ташлаб, ёки ўт ўчирувчи асбобларни ўғирлаб кетаётгандек бўларди. Учи найзали милтиғини ўқталиб, Петров ўт ўчириш анжомларига яқинлашар, қоронғуда уларни санаб кўрар ва омбор эшиклари томон югуриб бориб, бирон киши улардаги муҳрларни узиб кетмадимикин, деб пийпасларди...

Бу эски пўстин билан нима ҳам қила олардинг! Ичидаги пўстагининг иссиғи ҳам қолмаган, шамол кирмаган ери йўқ. Магазин мудири билан гаплашиш керак, балки янги пўстин ёзиб берар.

Петров хафа бўлиб тупурди ва бир оз юрай деб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Лекин мадори етмади. Оёққа туролмасди. Шунда у пастки лабини чўзиб, совуб қолган бурни томон пуфлай бошлади. Нафасидан махорканинг қўланса ҳиди келарди, лекин иссиғи кам эди. Унинг жанговар ўртоқлари, қоровул кампирлар, бошларини елкаларига тортиб олишган, худди тошбақаларга ўхшашарди. Қария тошбақалар, қўй пўстинларга ўралиб олишиб, ухлаб ётишган бўлишса, ҳам ажаб эмас. Балки уйғоқ ўтиришгандир. Фақат мудроқ босгандир. Петров улардан куларди, лекин ич-ичидан бу кампирларнинг, кўпчилик ёшларга ўрнак бўлиб, солдатча хизмат қилишларини ҳурмат қиларди. У йўталиб қўйди ва ўз постининг у бошидан бу бошигача айланиб чиқди. У урушдан анча илгари артиллерия лагерларидан бирида байроқ ёнида постда турганини эслади. Қимир этмай «смирно» командасида қотиб туриш керак эди. Уни бўлса тинмай чивинлар таларди. Улар шундай аямасдан чақардики, қўяверасиз. Қўлни кўтариб, юзингдагисини эзиб ташлай десанг, иложи йўқ.

Яна ёмғирли қоронғу тунлардан бирида шундай ҳодиса рўй берганди. Петров постига кимнингдир яқинлашиб келаётганини сезиб қолди.

— Тўхта! Ким у?!.

Жавоб йўқ. Лекин яқингинадан айиқнинг ўкирган товуши эшитилди.

— Тўхта, ким келяпти?!

Яна жавоб бўлмади. Петров қўрқитиш мақсадида милтиғининг затворини шақиллатди ва қаттиқ овоз билан:

— Тўхта, отиб ташлайман! — деди.

Айиқнинг хунук ўкиргани эшитилди. Шунда у ўқ узди. Осмонга. Қараса ҳуркиб кетган от шаталоқ отиб югуриб кетибди. Бу қисм ерига колхознинг бир оти кириб қолган экан.

Петров шу воқеани эсласа, кулгиси қистайди ва истеҳзо билан юзини бужмайтириб қўяди. Энди бўлса юзлари шундай совуқдан қотганидан қимирламасди ҳам.

Ўша вақтда ёш, бўз бола бўлган Петров, ҳозир магазин олдида ўтирган одамдан нақадар «узоқда» эди. Ўзига-ўзи бегона одамдек кўринарди. Қоровул ўзига тасалли бериб, ўтган ишларга саловот, деди. Ёш Петровга ота ҳиссиёти билан назар ташларди. Бугунги туннинг ўтиши бунчалар қийин бўлмаса! Тезроқ кун ёриша қолса эди!

Соат неча бўлди экан? Петровнинг умрида соати бўлмаган. Лекин ўзининг узоқ йиллар қоровуллик хизмат даврида вақтни аниқ биладиган бўлиб қолганди. Унинг ўзи тўхтовсиз юрадиган бир соатга айланиб қолганди. Бугун бу соат бузилиб қолгандек. Чол тунда адашиб, ҳисобини йўқотган одамга ўхшарди. Шамол эса тинимсиз увуллашда давом этарди.

Эски пўстин уни шу қадар елкаларидан қаттиқ босардики, гўё, кимдир ёпишиб, Петровнинг орқасига осилиб олгандек эди. Ҳаво етишмай, борган сари қадди букчаяди. Қари соқчи эса елкасидан бу оғирликни улоқтириб ташлашга илож тополмасди.

У бўшашиб кетди. Елкалари энгашиб. қўллари осилиб қолди. Қовоқлари аста-секин пастга тортди. Петров ўзини ухлаётгандек ҳис этди.. Наҳотки уйқу уни яна ўша изғирин тундаги тўплар ертўласи ёнида енгандек, зўр келса? Йўқ бундай бўлмайди! Энди Петров унақа эмас: соткин уйқуга бўйсунмайди. Муҳими кўзларининг ёпилишига йўл қўймаслик керак.

Оғир уйқу талвасасидан ўзини сақламоқчи бўлиб, қимирламай ўтирарди. Бу уйқу хархашаси унинг киприкларига оғир тош осиб қўйгандек бўлар, ҳатто кўзларини очишга интилаётган чолнинг нафаси бўғзига кела бошлаганди. У энди ҳеч нарсани ўйламас, ҳеч нарсага аҳамият бермас эди. У эски ярасининг зирқираб оғриётганини унутди. Совуқнинг таъсирини ҳам сезмасди. Кучи борича уйқу билан курашар, кўзларида эса оҳиста ёруғ сўниб борарди.

Эрталаб уни яшчикда қимир этмай ўтирганини кўришди. Чол ухлаб қолган бўлса керак, деб ўйлашди. Лекин астагина унинг елкасидан тебратишганда, солдат қулоқчини кийилган боши елкасига эгилиб қолди. Петровнинг жони узилган эди. У ўзининг сўнгги сменасида туриб, жон берган эди.

**М. АЛИМОВ** таржимаси.

ЯНГИЛИК
ШАРҲИ БИЛАН

# Ф. ЭНГЕЛЬСНИНГ ДАСТХАТИ

**Салтиков-Шчедрин номли Ленинград оммавий кутубхонасининг Плеханов уйи архивида Фридрих Энгельснинг дастхати топилди. Француз тилида тўрт варақдан иборат бу топилдиқ К. Маркс «Отечественние записки» редакциясига «мактуб»нинг қўлда ёзилган нусхасидир. Ҳужжат КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти марказий партия архивига топширилди.**

**(ТАСС мухбири).**

**Ленинград.**

Ленинградда топилган бу ҳужжат, — деди ана шу хабарни шарҳлаб КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг бош илмий ходими, тарих фанлари кандидати А. Воробьева, — илмий коммунизм асосчиси ҳужжатлари фондини тўлдирадиган муҳим хатдир. Маркс «мактублари» қўлёзмаси архив номери остида Энгельснинг янги дастхати — шу машҳур ҳужжатнинг учинчи нусхаси ҳам шу ерда сақланади. Булардан икки нусхаси 20-йиллардан буён Марксизм-ленинизм институти фондларида сақлаб келинмоқда.

Энгельснинг сўзларига қараганда, Маркс ҳаётлик чоғида, биргина унинг номи кўрсатилса журналнинг чиқишини хавф остида қолдиради, деб Россияга «мактуб»ни юбормаган. Энгельс бу ҳужжатни дўстининг вафотидан кейин унинг архивини тартибга солаётган чоғида топиб олди. Энгельс Россияда эълон қилиш учун рус мухбирларига ана шу «мактуб»ни топшириш имконияти туғилса зарур бўлиб қолар деган мақсадда бир неча нусха кўчиради. Энди янги топилдиқ муносабати билан Энгельс «мактуб»дан камида уч нусха кўчирган деб ишонч билан айтиш мумкин.

Ф. Энгельс томонидан кўчирилган нусхаларнинг тақдири тўғрисида нималарни биламиз? Афтидан, 1883 йилнинг сентябрь ойида «мактуб» нусхаларининг бири кўчирилиб, Россияда машҳур революционер, «Капитал»нинг рус тилига биринчи таржимони Г. Лопатинга топширилган. Буни Лопатиннинг ўзи, Маркснинг «мактуби» Россияга мен орқали етиб келди, хатни шахсан Энгельсдан олдим, деган сўзлари тасдиқлайди. Лекин, 80-йиллардаги сиёсий вазият туфайли Россияда бу ҳужжатни 1888 йилнинг октябрь ойидагина ошкора эълон қилишга муяссар бўлинади. Бу «мактуб» Лопатиннинг дўсти Н. Даниельсоннинг ғайрати туфайли, унинг таржимасида «Юридический вестник» журнали саҳифаларидагина эълон қилинди.

Энгельс 1884 йил март ойининг бошларида яна битта нусха кўчириб, уни В. Засуличнинг «Меҳнатни озод қилиш» группаси аъзосига хат билан қўшиб юборган. Засулич Маркс мақоласини юборганлиги учун Энгельсга ташаккур изҳор қилиб, ўша йилиёқ 5 октябрда қайтарган жавоб хатида, уни ўзим таржима қилдим, «биз, тезда босиб чиқарамиз» деб хабар қилади.

Засуличнинг таржимаси нима бўлди? Унинг таржимаси эълон қилиндими? Эълон қилинган бўлса, қаерда? Ҳозиргача бу саволларга аниқ жавоб қайтариш қийин. Лекин, замондошларининг ёзишмаларини, хотираларини ўрганиш, Маркс «мактуб»инининг рус тилига қилинган мавжуд таржималарини таққослаб чиқиш шу ҳақда тахмин этиш имкониятини беради. Ўйланган фикрни рўёбга чиқариш имконияти группада бўлмаган тақдирда мактубнинг тезда босиб чиқарилиши тўғрисида Энгельсга «Меҳнатни озод қилиш» группаси номидан Засулич бундай қатъий қилиб айтиши амри маҳол эди. Гарчи ўша вақтда группанинг ўз босма органи бўлмаса ҳам, бу группа, маълумки, бевосита Россияда ишлаб турган нолегал тўгараклар билан алоқа қилиб турарди. Засуличнинг таржимаси 1885 йилда яширинча нашр этилган, лекин унинг кўпчилик қисми полициянинг қўлига тушиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Женевада нашр этиладиган «Вестник народний воля» редакциясининг «мактуб»га иловалари ҳам бундан далолат бериб турибди, «мактуб» Засуличнинг таржимасида 1886 йилда босилган.

Плехановнинг уйида топилган ҳужжатни Энгельс В. Засуличга топширган ўша нусха деб тахмин қилиш ҳам мумкин.

(ТАСС).

## «АЖОЙИБОТЛАР — ЁНИМИЗДА»

**Яқинда Львовдаги этнография ва бадиий ҳунармандчилик музейида ташкил этилган Тарас Левкивнинг шахсий виставкаси ҳақида шундай дейиш мумкин. Экспозицияда сўнгги саккиз йил ичида мамлакатимизнинг етакчи рассом-керамиги яратган юздан зиёд асар намойиш этилмоқда. Аксарият асарлар лойдан ясалган, шу билан бирга баъзи композицияларда ёғоч, чиннидан ҳам фойдаланилган.**

**СУРАТДА: Тарас Левкив томошабинларни экспонатлар билан таништирмоқда.**

ТАСС фотохроникаси.

## ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ МАКТАБИ

Қадимий санъат анъаналари шаҳри — Қўқонда халқ ижодиёти мактабининг биносини қуришга киришилди. Олти юз ўқувчига мўлжалланган мактаб комплексида ўқув синфлари, студия, устахоналар, бадиий салон-магазин, кўргазма зали, спорт шаҳарчаси бўлади.

Янги ўқув юртида тажрибали муаллимлар ва моҳир халқ усталари раҳбарлигида йигит-қизлар ёғоч ўймакорлиги, мисгарлик, кулолчилик ижодкорлигини эгаллайдилар.

(ЎзТАГ).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/XI да **Афсоналар водийсида**, 22/XI да **Оққуш кўли**, 23/XI да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/XI да **Рўйхатларда йўқ...**, 22/XI да **Кўрмайин босдим тиконни**, 23/XI да **Ғариблар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/XI да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 23/XI да **Хотинимнинг эри**.

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аренада москваликлар» янги цирк программаси** (19.30).

## КИНО

**21 НОЯБРДА**

«ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ» — **С. Раҳимов номли.**

«ОИЛА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ЎЗБЕКИСТОНДА ФРАНЦИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ» — **Навоий номли.**

«ХАЛҚ КОНТРОЛЕРИ» — **Кўкча.**

«ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМА!» — **Пионер.**

«ОКТЯБРЬ ЕҒДУСИ» — **Фестиваль.**

«Л. И. БРЕЖНЕВ УЗОҚ ШАРҚДА» — **Восток.**

«АЖАЛФУРУШЛАР» — **Ҳамза номли.**

«КАТТА ДЎСТНИНГ ЕЛКАСИ» — **Ғунча.**

«ЕР ОСТИ ВОДИЙСИ» — **Янгиобод.**

«АЛКОГОЛЬ ВА СПОРТ — МУРОСАСИЗ ДУШМАН» — **Ҳамза номли.**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ОДДИЙ МУҲАББАТ» (эрталаб), «ТАҚДИР» (кечқурун) — **Чайка.**

«МЕНИНГ ЕҚИМТОЙ ЭРКАТОЙИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Дружба, ВЛКСМ 30 йиллиги, Ўзбекистон 25 йиллиги, Юнусобод.**

«ҚУРОЛЛАНГАН ВА ЖУДА ХАВФЛИ» — **Нукус.**

«ОЙ ТУҚҚАН ТУНДА» — **Навоий номли, Ҳамза номли, Кўкча.**

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА» — **Восток, Ғ. Ғулом номли, Мир.**

«ФРОНТ ОРТИДАГИ ФРОНТ» — **Искра.**

«ҚАМОҚДАН ҚОЧИШ» — **Юнусобод.**

«ТАЙГА ИМПЕРАТОРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ» — **Ғунча.**

«ҒАЛАТИ АЕЛ» — **Пионер.**

«СОАТЛАР ЮРИБ ТУРГАНДА» — **Пионер.**

**А. Навоий номли ўзбек Давлат академик катта театрида**

**21 НОЯБРЬ**

**соат 19.00 да**

СССР халқ артисти
**Бернора ҚОРИЕВА**
**иштирокида**

**АФСОНАЛАР ВОДИЙСИДА**

Билетлар сотилмоқда.

---

### МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

САВДО ЗАЛИНИНГ ИККИНЧИ ҚАВАТИДА
**21—25 НОЯБРЬ КУНЛАРИ**

**Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларининг**

## САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Кўргазма стендларида ёш йигитлар, ўрта ва кекса ёшдаги эркаклар учун мўлжалланган турли модель ва кенгликдаги, турли размер ва ростдаги эркаклар костюмларининг кенг ассортименти мавжуд.**

Савдо-кўргазмасининг асосий мақсад ва вазифаси — костюмларнинг ҳар бир алоҳида моделига, материалининг структурасига бўлган харидорларнинг конкрет талаб ва эҳтиёжларини аниқлашдир.

**Савдо-кўргазмасига қўйилган 8 хил замонавий моделдаги турли рангдаги асл матолардан тикилган 1500 та костюм ҳар кимнинг дидига ўтиришадиган, башанг кийим танлаб олишга имкон беради.**

Кўргазма кунларида универмагнинг намойиш залида савдога қўйиладиган костюмларнинг намуналари кўрсатилади.

**ЦУМГА — САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!**

---

## Китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ
21 ДАН 30 НОЯБРГАЧА

**НОДИР КИТОБЛАР ЎН КУНЛИГИНИ ЎТКАЗАДИ**

**Магазинлар қуйидаги бўлимлар бўйича нодир китобларни сотиб олади: СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БАҲОЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ТАСДИҚЛАГАН ОШИРИЛГАН НАРХЛАР БЎЙИЧА БАДИИЙ ВА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР, МЕМУАРЛАР, САНЪАТ, ШУНИНГДЕК, ОБУНА БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРЛАРИ.**

1961— 1974 йилларда нашр этилган, харидорларнинг қизиқишига сазовор бўлган совет ва чет эл бадиий адабиётлари, энциклопедик ва луғат нашрлари, «ЖЗЛ» (ажойиб кишилар ҳаёти), «Эврика», «Пламенные революционеры», болалар совға нашрлари нашриёт намунасида кўрсатилган баҳодан 2 марта қиммат нархда сотиб олинади. Каталог-прейскурантларга киритилган китоблар бундан мустаснодир.

Реализация пайтида белгиланган баҳоси шубҳа туғдирадиган китоблар ва журналлар комиссияга қабул қилинади.

Бадиий адабиётларни топширувчилар алмашув фондидан янги китобларни олишлари мумкин.

**Ўн кунлик давомида барча нодир китоблар магазинлари ва бўлимларида бадиий адабиётларни энг яхши топширувчиларнинг конкурси ўтказилади. Конкурс ғолиблари учун 4 та мукофот белгиланган:**

I мукофот — 20 томлик **«Халқлар ва мамлакатлар»га обуна.**

II мукофот — **В. Тендряковнинг 4 томлик танланган асарларига обуна.**

III мукофот — **Е. Пермитиннинг 4 томлик танланган асарларига обуна.**

IV мукофот — **В. Кетлинскийнинг 4 томлик танланган асарларига обуна.**

КОНКУРС НАТИЖАЛАРИ 1978 ЙИЛНИНГ 1 ДЕКАБРИДА ЯКУНЛАНАДИ.

## *ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!*

**«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдосининг нодир китоблар магазинлари ва бўлимларининг адресларини маълум қиламиз:**

13 — Навоий кўчаси, 16-уй.
31— «Букинист» магазини— Навоий кўчаси («Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида).
1 — Пушкин кўчаси, Ц-1, 5-корпус, Телефон 33-37-27.
4— Привокзальная кўчаси, 12-уй. Телефон 39-28-03.
9— Новомосковская кўчаси, 31-уй. Телефон 35-35-25.
11— М. Горький проспекти, 73-уй. Телефон 62-52-02.
16—Гагарин кўчаси, 66-уй. Телефон 77-14-71.
18—Сергели шаҳарчаси, 9-квартал, 59-уй. Телефон 53-88-35.
23—Фарҳод кўчаси, 58-уй. Телефон 76-36-52.

Китобларни топширишда паспортингиз ёнингизда бўлиши лозим.

Катта кутубхоналарни кўриб чиқиш учун товаровед уйга юборилади.

**НОДИР КИТОБЛАР ЎН КУНЛИГИДА АКТИВ ҚАТНАШИНГИЗ.**

---

# ҲАМИША КЕРАКЛИ КАСБ

**СОТУВЧИ ЭНГ ОММАВИЙ КАСБЛАРДАН БИРИ.**

**БУ КАСБ ЎЗ ЭГАСИДАН ИНСОНЛАРГА НИСБАТАН ҲАМИША МЕҲРИБОН ВА ҲАЙРИХОҲ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ БИЛАН БИРГА, МАХСУС БИЛИМЛАР, МЕҲНАТ КЎНИКМАСИ ВА ИШ ТАЖРИБАСИНИ ЭГАЛЛАШНИ ҲАМ ТАҚОЗО ЭТАДИ.**

Энг яхши сотувчи харидорга у ёки бу молни чаққонлик билан олиб бериши билан бирга, бу молнинг афзалликлари ҳақида гапириб бериши, ҳатто шу янгилик билан қизиқтираолиши лозим. Бунинг учун сотувчи ҳар томонлама маълумотли киши бўлмоғи керак. Одамлар билан ҳар бир минутда муомала қилаолиш учун эътиборли, сезгир, энг муҳими хушмуомала бўлиш керак. Ана шундай хислатлар аёлларда кўпроқ мужассамлашган бўлади.

**ШУНИНГ УЧУН ҲАМ «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, БИРИНЧИ НАВБАТДА СИЗ, ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАРГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ!**

АГАРДА СОТУВЧИЛИК ИХТИСОСЛИГИНИ ЭГАЛЛАШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ, «ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.

6 ойлик ўқиш давомида сиз хўжалик ва маданий-маиший моллар билан савдо қилиш касбини ўрганасиз. Мактаб-магазин—бу савдо корхонаси бўлиб, унда таълим меҳнат практикаси билан қўшиб олиб борилади. Тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларга товаршунослик, савдо хизмати, савдо эстетикаси ва психологияси, совет ҳуқуқи асослари дарслари бўйича лекциялар ўқийдилар. Амалий машғулотларда эса (ана шу магазиннинг ўзида) иш учун керак бўладиган меҳнат маҳоратини эгаллайди.

**Ишлаб чиқариш таълими мастери Райҳон Исроиловна Мамадалиева, мактаб-магазин ва унинг битирувчилари тўғрисида ҳикоя қилиб беради.**

— Мактаб бу йил ўзининг 10 йиллигини нишонлади. Ана шу йиллар мобайнида минг-дан зиёд мутахассислар тайёрланди. Бизнинг битирувчиларимиз мактаб-магазинни тугатганларидан кейин «Ташхозкультторг»нинг магазинларида ишлаш учун йўлланма олдилар. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги катта сотувчилар, бўлимларнинг мудирлари бўлиб етишдилар. Ўзлари эса эндиликда ёшларни савдо ишига ўргатмоқдалар. Савдо бошқармасининг ва мактаб-магазиннинг раҳбарлари ўқувчилар ўз билимлари ва малакаларини оширишлари учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Мактаб-магазин ўқувчиларнинг техникум ва институтларда ўқишларини давом эттиришлари учун йўлланма беради.

Мактаб-магазиннинг синфхоналари керакли бўлган ўқув ва кўргазмали қўлланмалар билан жиҳозланган.

ЎҚИШЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

**Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.**

**МАКТАБ-МАГАЗИНДА ЎҚИШ ДАВРИ — УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.**

**Мактаб-магазинга 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган, Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.**

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:** аттестат, паспорт, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.) ҳажмида.

**Машғулотлар 1 декабрда бошланади.**

**Маълумотлар олиш учун 47-мактаб-магазинга қуйидаги адрес бўйича мурожаат этинг:** Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй, (2, 3, 18, 34, 50, 54, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон 53-47-24.

**«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».**
**«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.**

---

## *ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!*

**Тошкент шаҳрида**
**БелОМО ишлаб чиқарган фотокиноаппаратларни гарантияли ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатишга мўлжалланган**

## *«СВИТЯЗЬ»*

**ФИРМА УСТАХОНАСИ**
**ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ**

Устахона ходимлари Ўзбекистон ССР ва Тошкент шаҳридаги ташкилотлар, савдо тармоғи ва аҳоли буюртмасига кўра фотокиноаппаратларга техника хизмати кўрсатиш ҳамда гарантияли ремонт қилиб бериш ишларини бажарадилар.

Устахона адреси: 700060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 26-уй.

---

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА**

токарлар, фрезерчилар, йўнувчилар, формовкачилар, электр-газ пайвандчилар, электр монтёрлар, прессчилар, слесарь-ремонтчилар, контролёрлар, шогирдлар,

**«МАЛИКА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА**

муқовачилар, машинистлар, қабул қилувчи, тахловчилар, транспортировкачилар, печатниклар, қуювчилар, ёрдамчи ишчилар, шогирдлар,

**«СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА**

бронловчилар, эшувчилар, толаловчилар, пресcловчилар, омборчилар, электрчилар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар,

**«ТРАКТОРСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТРЕСТИГА**

инженер-техник ходимлар: бўлимларнинг бошлиқлари, бош инженер, катта инженерлар, прораблар, мастерлар, ғишт терувчилар, бетончилар, газ-электр пайвандчилар, дурадгорлар, монтажчилар, пардозловчилар.

**«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 2-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА:**

бетончилар, янги қурилган 2-уйсозлик комбинатида ишлаш учун монтажчилар

### КЕРАК

**Елғиз кишиларга шинам жиҳозланган ётоқхонадан жой берилади, оилалилар эса бир йил ишлаганидан кейин уй-жой билан таъминланадилар.**

**Бизнинг адресларимиз:**

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин райони пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь райони пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор райони пункти — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе райони пункти — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
Ҳамза райони пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев райони пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров райони пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
Собир Раҳимов райони пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов райони пункти — 22-квартал, 13-уй.
Сергели райони пункти — райисполком, Совет Армияси майдони.

---

«Главташкентстрой»
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ»
ТРЕСТИНИНГ
8-МЕХАНИЗАЦИЯ
БОШҚАРМАСИ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН**

**4 ярим ойлик курсларга**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

18 ёшдан бошлаб камида 8-синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш рус тилида олиб борилади. Стипендия — 75 сўм. Елғиз кишилар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй. «Учкомбинат», («Радость» магазини қаршисида).

---

## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

### 21 НОЯБРЬ — СЕШАНБА

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

17.05 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 17.40 «Ёшлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. 19.30 Литва ССР халқ артисти Э. Канява куйлайди. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 20.05 «Электр энергиясини тежанг». Кўрсатувни «Одессаэнерго» бирлашмасининг Бош директори В. И. Корсуненко олиб боради. 20.25 «Аревик». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Евгений Мравинский дирижёрлик қилади». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Олимпия мўлжали». Ҳужжатли фильмлар. 23.25 Янгиликлар.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Типа лақабли чумоли». Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосаринг-миз, комсомол!». 18.40 «Феруза». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ленинча стратегияси ва тактикаси». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ўзбектелефильм-78». Кинокўрсатув (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг республикада хизмат кўрсатган артист И. Бўронов раҳбарлигидаги халқ ансамбли концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор»— мардлар майдони». 22.15 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — «Шахтёр» (Прокопьевск). «Юбилейный» Марказий спорт залидан репортаж. 3-давр ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

### 22 НОЯБРЬ — ЧОРШАНБА

**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Москва ҳайвонот боғида». 10.25 «Аревик». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 15.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми Е. Моисеенко. 16.20 «Москваликларнинг иши кафолати». 16.50 Гитарачи Диего Бланко чалади. (Испания). 17.30 «Фан оламида». «Сибирь потенциали».

18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Л. Толстой — болаларга». 19.05 СССР халқ артисти Н. Ткаченко концерти. 19.40 «Бизнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 20.25 «Аревик». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Адабий мерос. Михаил Булгаков». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни автор — К. Симонов олиб боради. 23.30 Янгиликлар.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Телевидениенинг физик асослари». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Давр ва шаҳар». Озарбайжон каучуги». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.30 «Телевидениенинг физик асослари». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ҳикоя бошланади». Болалар учун телевизион фильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ҳаёт каби тирик». Илмий-оммабоп программа. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Менинг Карменим». Телевизион фильм-опера. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

**Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа**

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Мен — қорадengизчи». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 «Тошкент» телепрограммаси. 20.55 Тошкент янгиликлари.

---

**Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг**
ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ, МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР 21-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ
**1978—79 ўқув йили учун**
ҚЎШИМЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 15, 16, 17 ЁШДАГИ ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қуйидаги мутахассисликлар бўйича темир йўл транспортида ишлаш учун кадрлар тайёрлаб чиқаради: 10-синф маълумоти билан — тепловоз машинистининг ёрдамчиси — ўқиш муддати—1,5 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 30 сўм стипендия билан таъминланадилар; 8-синф маълумоти билан — электровоз ремонти бўйича слесарь, қирқиш йўли билан металларга совуқ ишлов берувчи токарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь-механиклар, электр газ-пайвандчилар, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарлар, тепловоз электр қисми ремонти слесарлари, тепловоз машинисти ёрдамчилари — ўқиш муддати — 3 йил.

**Ўқишни 3 йил муддат билан тугаллаган ўқувчиларга ўрта махсус таълими ҳақида диплом берилади.**

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТАМОМЛАГАНЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛАДИ.

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

БИЛИМ ЮРТИГА КИРГАНЛАР БЕПУЛ ОВҚАТ, КИЙИМ-БОШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

**Ўқишни битирганлар темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан, Совет Иттифоқининг исталган бурчагига бепул темир йўл билети олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.**

**Ўқишга кириш учун қуйидагиларнинг бўлиши лозим:** паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжатлар (асли), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, медицина варақаси ёки медицина справкаси (286-форма), ариза, автобиография, 8 та фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Билим юртининг адреси: Тошкент—71, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 26, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати).

---

**Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети**

1-пойафзал фабрикаси қошидаги
143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
**1978—79 ўқув йилига**

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи (ўқиш муддати — 2 йил), чарм кесувчи (1 йил), заготовка тикувчи (2 йил), силлиқлаш ишини бажараоладиган пойафзал фрезерчиси (1 йил), пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси (2 йил), контролёрлар (2 йил), слесарь-ремонтчи (2 йил), пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи (1 йил), аёллар чарм сумкаларини тикувчи (1 йил).**

**Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.**

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

**Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.**

**Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.**

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

**Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.**

**Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:** директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.), ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

---

Тошкент Давлат университети биология-тупроқшунослик факультети коллективи шу факультетнинг доценти Ҳ. М. Охуновга укаси

**Раим ОХУНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Куйбишев райпишчеторги коллективи торг директори У. Н. Қўчқоровга онаси

**Инобат ҚЎЧҚОРОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет
ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
21 НОЯБРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42, 38-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

Р—13226. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1464.